



МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ГИЁХВАНДЛИККА МОЙИЛЛИК БЕЛГИЛАРИ ВА САБАБЛАРИ

Р. М. МУРОДИЛОВА* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ
АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ

Аннотация. Мақолада мактаб ўқувчилари орасида гиёхвандликка ҳамда психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар истеъмолига мойилликни аниқлаш, боланинг шахсий ривожланишини ҳимоя қилиш, уни салбий муҳитдан асраш, руҳий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятларини яратиш, шунингдек, уларни барвақт аниқлаш, хавф гуруҳига кирувчи болалар билан мақсадли иш олиб бориш, оила билан ҳамкорликни кучайтириш каби масалаларга оид айрим фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўзлар: мактаб, болалар, ўсмирлар, гиёхвандлик, ҳуқуқбузарлик, эмоционал, буллинг, мимика, соматик, психомотор, ступор, мутизм, экстаз.

ПРИЗНАКИ И ПРИЧИНЫ СКЛОННОСТИ К НАРКОМАНИИ У ШКОЛЬНИКОВ

Р. М. МУРОДИЛОВА КУРСАНТ АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье изложены некоторые мнения и суждения по таким вопросам, как выявление склонности к наркомании и употреблению психотропных и сильнодействующих веществ среди школьников, защита личностного развития ребенка, ограждение его от негативной среды, создание возможностей для психологической и социальной поддержки, а также их раннее выявление, целенаправленная работа с детьми, входящими в группу риска, усиление сотрудничества с семьей.

*Муродилова Рухиона Маъруфжон қизи. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси I курс курсанти



Ключевые слова: школа, дети, подростки, наркомания, правонарушение, эмоциональный, буллинг, мимика, соматический, психомоторный, ступор, мутизм, экстаз.

**MURODILOVA R.M. CADET OF THE ACADEMY OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SIGNS AND CAUSES OF A PREDISPOSITION TO DRUG
ADDICTION IN SCHOOLCHILDREN**

Annotation. *The article presents some opinions and judgments on issues such as identifying a tendency toward drug addiction and the use of psychotropic and potent substances among schoolchildren, protecting a child's personal development, shielding them from negative environments, creating opportunities for psychological and social support, as well as their early detection, targeted work with children in risk groups, and strengthening cooperation with the family.*

Keywords: *school, children, teenagers, drug addiction, delinquency, emotional, bullying, facial expressions, somatic, psychomotor, stupor, mutism, ecstasy.*

Глобаллашув шароитида жамиятда ёш авлоднинг соғломлиги, маънавий барқарорлиги ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш давлат ва жамият олдидаги устувор вазифалардан бири сифатида намоён бўлади, айниқса, мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар орасида гиёҳвандлик воситаларига қизиқиш, уларга мойилликнинг шаклланиши ёки бундай зарарли одатларга ружу қўйиш ҳолатларини эрта аниқлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади, чунки гиёҳвандлик нафақат инсон организмига жиддий зарар етказди, балки шахснинг маънавий қиёфаси, иродавий салоҳияти, ўқиш фаолияти, ижтимоий муносабатлари ва келажак режаларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Маълумки, Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 - 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор мақсадларига эришиш, гиёҳвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни устувор вазифалар сифатида белгиланганлигини айтиб ўтишимиз мумкин [1].

Мактаб ўқувчилари орасида гиёҳвандликка мойилликни аниқлаш фақат ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш воситаси бўлиб қолмай, балки боланинг шахсий ривожланишини ҳимоя қилиш, уни салбий муҳитдан асраш, руҳий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятларини яратиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади, шунингдек, уларни барвақт аниқлаш хавф гуруҳига кирувчи болалар билан мақсадли иш олиб бориш, оила билан ҳамкорликни кучайтириш, психологик маслаҳат ва ижтимоий ёрдам тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

Айниқса, мактаб ёшидаги болалар орасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар истеъмолига мойилликнинг ортиб бориши ушбу масалага жиддий эътибор қаратишни талаб қилади, чунки бундай иллатлар нафақат ўқувчининг соғлиғи ва келажагига, балки миллат генофондига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Гиёҳвандликка мойиллик кўпинча яширин (*латент*) тарзда ривожланади, дастлабки белгилар ҳар доим ҳам яққол сезилмаслиги сабабли, ўқитувчилар, мактаб маъмурияти ва ота-оналар томонидан бундай ҳолатларни барвақт аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, чунки эрта аниқланган ҳар бир ҳолат ўқувчини жиддий ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатлардан ҳимоя қилиш имконини яратади ва шу нуқтаи назардан гиёҳвандлик воситаларига мойил бўлган ёки уларни истеъмол қилган мактаб ўқувчиларини аниқлаш масаласи комплекс ёндашувни талаб қилади.



Бизга маълумки, бугунги кунда барча ўқувчилар гиёҳвандликка мойил эмас. Мактабда айрим тоифадаги болаларгина гиёҳвандликка мойиллик бўйича хавф гуруҳига яқинроқ бўлади. Бундай ўқувчиларни эрта аниқлаш профилактика ишларини манзилли ташкил этишга ёрдам беради. Бу каби мактаб ўқувчиларини қуйидаги бешта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

биринчи гуруҳга – нотинч оилада тарбияланаётган болалар киради.

Ота-онаси ажрашган, доимий жанжаллар бўладиган, болага нисбатан бефарқлик ёки шафқатсиз муносабат кузатиладиган, моддий ва маънавий қийинчиликлар кучли бўлган оилаларда ўсувчи болаларда эмоционал (инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари ва руҳий ҳолати, яъни шодлик, қайғу, кўрқув, ғазаб ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлган хусусиятдир. Бу ташки ички кўзгатувчилар таъсирида юзага келадиган, воқеа-ҳодисаларга бўлган субъектив муносабатни ифодаловчи руҳий жараён) беқарорлик юқори бўлиши мумкин. Чунки уларда ички ҳимоя механизмлари етарли даражада шаклланмаган бўлади.

иккинчи гуруҳга – таълимга қизиқиши пасайган, мактаб қоидаларига тез-тез риоя этмайдиган, дарс қолдирадиган ва интизом бузадиган ўқувчилар киради. Бундай ҳолат ҳар доим ҳам гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин, лекин у келгусида хавф сигнали сифатида баҳоланиши лозим. Айниқса, бу белги бошқа салбий ҳолатлар билан бирга кузатилса, мутахассисларнинг эътиборини талаб қилади.

учинчи гуруҳга – эмоционал ва хулқий муаммолари яққол кўринадиган, ички қийинчиликни бошидан кечираётган ўқувчилар киради. **Масалан**, доимий тушкунлик, сержаҳллик, кескин кайфият алмашинуви, тажовузкорлик, ёлғизликка интилиш, одамлардан қочиш, ўта шубҳаланиш ёки ўзини паст баҳолаш каби ҳолатлар бола ички қийинчиликни бошидан кечираётганидан далолат беради.



тўртинчи гуруҳга – салбий тенгдошлар таъсирига тушган ёки шубҳали давраларда кўп вақт ўтказувчи ўқувчилар киради. Уларнинг кийиниш услуби, нутқи, қизиқишлари, кечки вақтда назоратсиз юриши ҳамда ўқишдан ташқари вақтларда тушунарсиз машғулотлар билан банд бўлиши катталарда хавотир уйғотиши мумкин.

бешинчи гуруҳга – руҳий жароҳатни бошидан кечирган болалар киради. Масалан, яқин инсонни йўқотиш, зўравонликка дуч келиш, кучли стресс, доимий **“буллинг”** ((инглизча – таъқиб қилиш, безорилик) – бу бир ёки бир гуруҳ шахслар томонидан бошқа бир шахсга нисбатан мунтазам равишда амалга ошириладиган жисмоний ёки руҳий зўравонликдир. Унинг мақсади жабрланувчини кўрқитиш, камситиш ва кучлар тенгсизлигидан фойдаланиб, устунлик кўрсатишдир) қурбони бўлиш, қаттиқ таҳқирланиш ёки ижтимоий рад этилиш ҳолатлари уларни нохуш йўлларга бошлаши мумкин. Бундай болалар алоҳида психологик ёрдамга муҳтож бўлишади.

Хавф гуруҳларини ажратишда асосий мақсад тамғалаш эмас, балки эрта ёрдам кўрсатишдир. Агар мактаб жамоаси ўқувчини **“муаммоли”** деб четласа, хавф яна кучаяди. Шунинг учун хавф гуруҳига кирувчи болалар билан ишлаш меҳрибонлик, эҳтиёткорлик ва профессионал ёндашувни талаб қилади.

Маълумот учун:

гиёҳвандлик – ҳуқуқбузарлик эмас, балки касалликдир. Шу сабабли, бу иллатга қарши белгиланадиган чора-тадбирлар **“касалликка қарши курашиш”** ёки **“касалликни олдини олиш”**га қаратилган чора-тадбирлар каби режалаштирилиши ўзининг самарасини беради.

Махсус адабиётларнинг таҳлили, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилаётган мактаб ўқувчиларида қуйидаги белгилар пайдо бўлишини кўрсатади:

- а) ўзини тутишдаги ўзгаришлар;
- б) хатти-ҳаракатлардаги ўзгаришлар;
- д) хулқ-атвордаги белгилар;



э) буюмлари ва ташқи кўринишидаги белгилар;

ф) клиник белгилар ва бошқ.

Энди ушбу белгиларнинг айнан қандай кўринишда бўлишини ўрганиб чиқамиз.

Ўзини тутишдаги ўзгаришлар:

- гиёҳвандлик воситалари номи айтилганда юзда хурсандчилик пайдо бўлиши (мимикасининг ўзгариши, яъни фақат хурсанд эмас, балки кўзини олиб қочиши ҳам мумкин);

- гиёҳвандлик истеъмол қилувчи шахслар ҳақида ижобий ҳикоялар айтиши, роҳатланиш ҳолатини ёритиб бера олиши;

- моддаларни таққослаб, “афзалликлари”ни намойиш қилиши;

- кайфиятни кўтариш учун дориларни истеъмол қилишни замонавийлик белгиси сифатида кўрсатиши;

- мактабдаги дўстлари ёки синфдошлари билан мулоқотда ноодатий сўз ва ибораларни қўллаш (жаргонга хос сўзлашув услубининг ўзгариши).

Хатти-ҳаракатлардаги ўзгаришлар:

- маълумотларни сир тутиш, бориш манзиллари ва кимлар билан бўлганини яшириш, тез-тез ёлғон гапириш;

- оғриқ қолдирувчи ёки тинчлантирувчи дориларга қизиқишнинг кучайиши;

- уйқу циклининг ўзгариши (кундузи ухлайди ёки умуман ухламайди);

- иштаҳанинг ўзгариши (кам ейиш ёки дорилар таъсирида ортиқча овқатланиш);

- доимий чанқоқлик, кўп суюқлик ва энергетик ичимлик истеъмоли, сақич чайнаш;

- пулга бўлган эҳтиёж ортиши, ота-онаси ёки бошқа оила аъзоларидан, дўстлардан кўп қарз сўраш.

Хулқ-атвордаги белгилар:



- бирданига кучли фаоллик ва эмоционал кайфият ўзгариши;
- олдин кузатилмаган хатти-ҳаракатлар пайдо бўлиши (ҳазилкашлик, ўта хушмуомалалик);
- овқатланиш одатларининг кескин ўзгариши;
- саволларга жавобларнинг мантиқсизлиги ёки саволлар мазмунининг тушунарсиз бўлиши;
- тез тушкунликка тушиш, хавотирлик ва васвасалар пайдо бўлиши;
- эгоистик хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик;

қизиқишларнинг кескин ўзгариши (фақат пул топишга қизиқиш, алдаш);

- чарчоқ ҳолати, қувватнинг бирданига камайиши ёки ортиб кетиши;
- психомотор ((психомотор ривожланиш) - инсоннинг ҳаракат қобиляти (моторика) ва руҳий жараёнлари (психика) ўртасидаги узвий боғлиқлик. У боланинг ҳаракат кўникмаларини ўзлаштириши, жисмоний ва ақлий фаолиятининг ёшга мос ривожланишини англатади. Психомотор бузилишлар (кечкикиш ёки кўзғалиш) неврологик ёки руҳий ҳолатлардан дарак бериши мумкин) бузилишлар (руҳий жараёнлар, яъни фикрлаш, ҳис-туйғу ва ҳаракат фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги бузилиши), кўзғалиш ёки **ступор** ((лотинча – "қотиб қолиш", "донг қотиш") – бу инсоннинг руҳий ва жисмоний фаоллиги кескин пасайиб, ташқи таъсирларга жавоб бермай, ҳаракатсиз бўлиб қоладиган ҳолати. Бунда одам бир нуқтага тикилиб, **мутизм** ((лотинча мутус - соқов, овозсиз) - бу нутқ аппарати ва эшитиш қобиляти сақланиб қолган ҳолда, инсоннинг нутқдан воз кечиши ёки гапира олмаслиги билан намоён бў'ладиган психиатрик ва неврологик ҳолатдир. Бу касалликда бемор саволларга жавоб бермайди ва имо-ишоралар билан ҳам мулоқот қилмаслиги мумкин бўлган ҳолатлари));
- жиззакилик ва ҳиссиётларнинг кучли ўзгариши ((кўркүвдан **экстаз** (юнонча экстасис - ўзидан кетиш, ҳайрат, ҳаяжон) - бу инсоннинг ўта



кучли завқ-шавқ, хурсандчилик ёки руҳий ҳаяжонланиш натижасида ўзини унутиш, ҳис-туйғуларнинг ўта юқори чўққисига чиқиш ҳолатидир. Бу ҳолатда одам атроф-муҳитни идрок этишни қисман ёки тўлиқ йўқотиши мумкин) гача);

- дарсларга қатнашиш камайиши ёки сабабсиз қолдириш;
- ўқишида ўзлаштириш натижаларининг ёмонлашиши;
- ўқитувчилар ва ота-она билан муносабат бузилиши;
- янги шубҳали дўстларнинг пайдо бўлиши;
- пулга эҳтиёж ортиши;
- майда ҳуқуқбузарликларни содир этиши.

Буюмлари ва ташқи кўринишидаги белгилар:

- ёнидаги буюмлар ёки улар ичида турли рангдаги кукунлар, кристаллар, нотаниш (ёки номсиз) дори воситалари, тамаки ва ўсимлик аралашмаларининг пайдо бўлиши;

- катта суммадаги тўлов чеклари, қўл тарозилари;

- телефон ва компьютерда нотаниш чатлар, ботлар, чекка жойлар суратлари;

- пипетка, ўралган пул купюраси, ялтироқ қоғоз, изоленга, зип-пакетлар;

- “TOR” (The Onion Router) браузерлари (интернетда фойдаланувчиларнинг махфийлиги, анонимлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган бепул ва очик кодли дастурий таъминот) орқали “Даркнет”дан (бу интернетнинг оддий қидирув тизимлари (Google, Yandex) индексламайдиган ва махсус браузерлар (масалан, Tor) орқали кириладиган яширин, шифрланган қисмидир. У фойдаланувчиларга тўлиқ анонимликни таъминловчи яширин интернет қисми ҳисобланади, IP манзилларни яширади ва маълумотларни хавфсиз алмашиш имконини беради) фойдаланиш;

- бир ва ундан ортиқ сим-картасиз телефонлардан фойдаланиш.

Клиник белгилар:

- тутқаноқ тутиши, инсулт хавфи, жигар ишлашида бузилиш;



- буруннинг тез-тез қонаши, кўп терлаш ва тана аъзоларида ёриқлар пайдо бўлиши;
- сочларнинг синувчанлиги, кўз қорачиғининг кенгайиши;
- клиник белгилар истеъмол қилинган модданинг турига, миқдорига ва таркибига боғлиқ равишда камида 48 соат давом этади, баъзи психик бузилишлар эса узоқроқ муддат сақланиши мумкин.

Бундан ташқари, клиник белгиларнинг қуйидаги гуруҳлари ҳам кузатилиши мумкин:

1. Умумий ташқи кўринишда: тана вазни кескин ўзгариши, сочларнинг хиралашиши ёки тўкилиши, кийиниш ва гигиена маданиятининг пасайиши, бадан ва кийимларда нохуш ҳид ёки доғларнинг кузатилиши.

2. Мимика ва ҳаракатларда: юз ифодаси жонсиз, бефарқ ёки ортикча фаоллик; лаб, юз ва қўл мушакларида титроқ; нутқ ва ҳаракатларда ноодатийлик, мувозанат ва координация бузилиши.

3. Кўзда: қорачиқ кенгайиши ёки торайиши, ёруғликка реакциянинг пасайиши, кўз оқининг қизариши, ёшланиш ёки қуруқлик, қора доғлар, нигоҳнинг диққатсизлиги.

4. Юз ва терида: рангсиз, сарғиш ёки кулранг, қуруқлашиш ёки ёғли бўлиш, доғлар ва яллиғланишлар, лабларнинг қуриши ва ёрилиши, юз шишиши ёки чўкиши.

5. Соматик: ҳаракат координацияси бузилиши, нутқ секинлашиши, доимий чарчоқ ёки ортикча фаоллик, уйқу ва иштаҳа бузилиши, иммунитет пасайиши.

Таъкидлаш лозимки, мактаб ўқувчилари орасида гиёҳвандлик воситаларининг истеъмолини эрта аниқлаш учун режали психолог ва зарур ҳолларда нарколог маслаҳатлари амалиётини жорий этиш ҳамда хавф гуруҳига кирувчи ўқувчиларни чуқурлаштирилган нарколог кўригидан ўтказиш тартибини татбиқ қилиш, бу борадаги ишларни самарадорлигини оширишга хизмат қилади [2].



Юқоридагиларга асосан хулоса қилиб айтганда, фикримизча мактаб ўқувчилари ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш тизимли ва узлуксиз ёндашувни талаб қилади. Бу борада асосий тамойил – муаммони юзага келишидан олдин аниқлаш ва барвақт бартараф этишдан иборат бўлиб, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

- **эрта аниқлаш ва огоҳлантириш:** ўқувчиларнинг хулқ-атвори, руҳий ҳолати ва ижтимоий муҳитидаги ўзгаришларни тез аниқлаш, мактаблардаги психологлар ва ички ишлар органларининг инспектор-психологлари билан биргаликда хавф гуруҳидаги болалар билан манзилли ишлаш, гиёҳвандлик белгиларини кузатиб, ота-оналар билан биргаликда профилактик чораларни белгилаш;

- **узлуксизлик ва тизимлилиқ:** профилактика тадбирлари ўқув йили давомида режа асосида олиб борилиши лозим; маънавий-маърифий машғулотлар, тренинглар, суҳбатлар, спорт ва ижодий фаолиятлар ўқувчиларда қаршилиқ кўрсатиш, стрессни соғлом енгиш ва салбий гуруҳларга қўшилиш эҳтимолини камайтиради;

- **индивидуал ёндашув:** ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятлари, оилавий шароити ва психологик ҳолатини инобатга олган ҳолда ишлаш, хавф гуруҳидаги болалар билан индивидуал маслаҳат ва назорат ўтказиш, муаммо чуқурлашмасдан барвақт чора кўриш;

- **ҳамкорлик ва интеграция** ((лотинча *интеграцио* - тиклаш, тўлдириш, *интегер* - бутун) - айрим қисмлар, элементлар ёки тизимларни ягона, бутун бир тизимга бирлаштириш, ўзаро боғлаш ва мувофиқлаштириш жараёнидир. Бу тушунча турли соҳаларда - иқтисодиёт, таълим, технология ва биологияда алоҳида маъноларга эга бўлиб, асосан ажралиб турган нарсаларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришни англатади): мактаб, оила, маҳалла ва тегишли ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинувини ва биргаликдаги фаолиятини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизими, психолог ва наркологлар билан узвий алоқада ишлаш орқали хавфли муҳитни камайтириш;



- **ижобий муҳит яратиш:** бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, спорт, ижодий ва интеллектуал машғулотлар орқали ўқувчиларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ошириш;

- **қўшимча чоралар:** гиёҳвандлик ҳолатларини мунтазам ўрганиш ва сабабларини бартараф этиш чораларини белгилаш, профилактик ишларни тизимли олиб бориш, ижтимоий ёрдам ва малакали тиббий-психологик кўмакни таъминлаш.

Юқоридаги чораларни қатъий амалга ошириш орқали хавф гуруҳидаги ўқувчиларни барвақт аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва гиёҳвандликнинг оғир оқибатларини олдини олиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2025 йилдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, ПФ-207-сон. *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.11.2025 й., 06/25/207/1023-сон.*

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида. *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.05.2024 й., 06/24/73/0327-сон; 08.11.2025 й., 06/25/207/1023-сон.*